



ОПТИ БАКТ

ГАЗЕТА 1991 йил 21 мартдан ЧИКА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 март, чоршанба № 44 (1469)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари

Ушбу тарихий дамларда террорчиликка қарши дунёвий урушда кўрсатган ёрдамнинг учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка халқининг миннатдорлигини изхор этмоқчиман. АҚШ ва коалиция кучларига Қарши-Хонобод ҳарбий-ҳаво базасидан фойдаланиш учун рухсат бериш борасидаги дадил қарорингиз Афғонистонда муваффақият қозонишимизда катта омил бўлди. Биз ўз ҳамкорларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугун биз яна бир таҳдидга дуч келмоқдамиз: бу - Садам Хусайннинг жаҳон ҳамжамияти иродасига қарши чиқаётгани билан боғлиқдир.

Сиз яхши биласизки, лидер бўлиш таҳдидлардан чўчимаслиқни, жасорат-

ни талаб қилади. Бугунги янги асрда дунё оммавий қиргин қуроллари, террорчилик илллати ва террорчиликка ҳомийлик қилаётган, қўллаб-қувватлаётган давлатлардан иборат ниҳоятда хавфли таҳдидга дуч келмоқда. Ҳеч бир халқ ва мамлакат бундай душманга қарши ёлғиз ўзи курашолмайди; бу борада зафар қозониш кенг халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Менинг ишончим ва қатъий қарорим шундай.

Бу саяёҳ-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Бунинг учун мен беҳад миннатдорман.

Эҳтиром билан,

**Жорж БУШ,**  
АҚШ Президенти



Корхонада ишлаб чиқариш дастгоҳларини янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Англиянинг «Фехрер» фирмасидан замонавий дастгоҳлар келтириш режалаштирилган. Бунинг натижасида яна 150 киши иш билан таъминланиб «Поёндоз»нинг экспорт салоҳияти янада ошди.

**Суратда: илгор ишчилардан Дилбар Нейматова ва Доно Бўроновалар иш устида.**

**Д. АХМАД** олган сурат.

## МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИГА

Хатирчи туманида Наврўз байрами арафасида катта ҳажмидаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Яқинда туманда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида 66 маҳалла фуқаро йиғинларидан 55 корхона ва таъкилотлардан 41 минг нафар киши иштирок этди.

Худди шу куни туманда 198 гектар ер ободонлаштирилди. 132 километр ариқ зовурлар қазилди. Қабристон ва зияратгоҳлар тартибга келтирилди. Тадбирда электр идоралари, 156-автокорхона ва автойўл корхоналари фаол иштирок этдилар. Ишчи-хизматчиларнинг бир қўлими 5 миллион 382 минг сўм пули маҳалла жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

**У.САРИЕВ.**

## Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

Галларол туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитасига ҳисобга Раҳматулла Ғафоровдан ариза тушди. Унда ишдан ноқонуний бўшатилиши боис вазифасига тикланишида ёрдам бериш сўралган эди.

## ҲАР БИР ХОДИМ ГАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Кўмита раиси Ниёзкул Шакарбоев ариза билан танишган дарҳол касаба уюшма фаоллари — Замира Муродова ва Мухаммад Ташбековларни ҳузурига чорлади. Тез орада вазият ойдинлашиб, қонунийликка йўл қўйилгани аниқланди. Меҳнат қонучилиги бузилгани ҳақида маъмурият раҳбарига тақдирнома киритилди. Раҳбар ўз хатосини тан олиб, ходимни аввалги лавозимига тиклади. Ҳақиқат қарор топди.

Ишдан ноқонуний бўшатишдан ҳамшира С.Раҳматуллаева ҳам касаба уюшма кўмитаси аралашуви билан ўз вазифасига қайта тикланди.

Тармоқ касаба уюшма кўмитасига ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи таянч деб қаровчилар сафи тобора ортиб бормоқда. Буни кўмитага 2002 йил давомида 20 та ёзма, 17 та оғзаки мурожаатлар тушганидан билса ҳам бўлади. Барча мурожаатлар қонуний мuddатларда қўриб чиқилиб, ўз ечимини топди. Бунда 9 кишидан иборат касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг хизмати алоҳида таъкидлаш лозим.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, ишловчилик ҳуқуқини рўйбга чиқариш, ташкилий ишлари амалга ошириш юзасидан кенг қўлдан фойдаланиш қўрсатилмоқда. - дейди туман кўмита раиси Н.Шакарбоев. - Бунда асосий меъриёрий ҳужжат — жамоа шартномаси муҳим ўрин тутгани таъин.

13 бўлимдан иборат жамоа шартномасини қузатар эканмиз, унда меҳнат киши қатор кафолатлар билан тўла қамраб олинганлигига гувоҳ бўлидик. Жамоа шартномасига кўра иш ҳажми қамраб олинган маъмурият ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни қайта ўқитишни йўлга қўйиш, уч ёшгача бола билан аёлларга ҳафтага бир соатдан қисқартирилган иш кунини, 12 ёшга тўлганлари ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлганлар ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 кундан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш, болани парвартириш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил оlish ҳуқуқини берадиган иш стажига қўйиш, пенсияга кузатиладиган энг кам иш ҳажининг етти баробари миқдорда бир йўла таътилга заҳарли сингари ижтимоий имтиёз ва кафолатлар берилиши.

Меҳнат муҳофазаси йўналишида ҳам талай ишлар қилинаётганига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, оғир меҳнат шариатида банд бўлган ходимлар сонини қаматириш, ҳомиладор аёлларнинг хизмат нормаси ҳажмини тартибга солиш, ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан сугурталаш каби муҳим бандлар ўрнин олган.

Жамоа шартномаси ижроси ҳар олти ойда бир марта қўриб чиқилиши ва унда маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси раҳбарларининг ҳисоб бериши ижро интизомини таъминламоқда, масъулиятни оширмоқда. 121 минг 789 нафар аҳоли яшайдиган туман соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган 1059 нафар касаба уюшма аъзолари кўмита атрофида яшашиб, қўндалик ҳаёт муаммоларини бартараф этишга ўз ҳиссаларини қўшаётмишлар.

Туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида маълум ютуқларга эришилгани ҳам узаро аҳиллик ва ҳамжамиятлик натижасидир.

— Тиббиёт хизмати аҳолига яқинлаштириш борасида анчагина ишларни амалга оширдик, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳақими Икром Номозов, — 126 та кишлоқнинг ҳар бир хонадонига тиббиёт хизмати кириб бормоқда. Бунда КВП, КВА-лардаги участка терапевтлари хизматидадан унмол фойдаланилмай.

Бугунги кунда туманда 3 та кишлоқ шифохонаси, 38 та ФАП, 14 та КВП ишлаб турибди. Тез тиббий шифолини ёрдам бўлимидалаки врачлар фаолият кўрсатмоқда. Беморларни қабул қилиш бўлими замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлангани тўғрисида ташхис аниқ қўйилиб, беморнинг тезда соғайиб кетишига замин яратилмоқда.

«Кўкүмба», «Кешковит» кишлоқлари аҳолиси яқинда тиббий хизмат кўрсатадиган замонавий КВП га эга бўдилар.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ишловчилар чекка кишлоқларда ҳам ўз ақсини топмоқда. Тиббиёт оlish кишлоқларга, одамлар орасига тобора чўқурроқ кириб бориб, уларга хизмат қилаётди.

Бунда, шубҳасиз, тармоқ касаба уюшмаларининг ўрни ва роли тобора юксалиб бориши аниқ.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

## «ФЕРУЗА» ЭЛ ХИЗМАТИДА

Хўжаобод туманидаги «Феруза» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан биридир. Бир неча йил аввал Қоратой кишлоғида Тоҳиржон Ураимов ташкил этган ушбу фирмада беш кишидан иборат жамоа даставвал икки турдаги трикотаж буюмларини ишлаб чиқарди.

Вақт ўтиши билан бу ерда тайёрланаётган маҳсулот тури 20 тага етди. Меҳнат қилаётганлар сони ҳам 30 нафар кишини ташкил этди. Утган йили «Феруза» тамғаси билан 45 минг дона болалар трикотаж буюмлари, шунча эркаклар майкаси, 60 минг дона аёллар кўйлаги, шунингдек, 100 минг дона бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхонанинг фаолиятидан тушадиган асосий даромад ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Фирма қошида аҳолига турли савдо-маиший хизматлар кўрсатадиган марказ очилди. Шу билан бирга «Феруза» фирмаси хайрия ишларини ҳам амалга оширмоқда. Масалан, туман кўзи охирида жамияти бўлимига ёрдам беришти, 5-сонли болалар боғчасини оталиққа олган.

- Келажакда бўяш цехини ишга туширишни режалаштирганмиз ва бунинг ҳисобидан иш ўринларини 50 тага етказмоқчимиз, - дейди Т.Ураимов.

**(ЎЗА).**

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

**Ўйғониш ва янгилиниш айёми — Наврўзи оламни сурхондорёликлар ҳам зўр тантана, шоду хуррамлик билан кўтиб олишмоқда. Байрам арафасида вилоятнинг барча шаҳар, кишлоқ ва маҳаллаларида ободонлаштириш, кўчаларнинг янгилаштириш ишлари катта уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.**

Олтинсой туманидаги 49 та маҳалла фуқаролар йиғинларида кун-кеча ўтказилган умумхалқ ҳашарида 40 минг нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бошчилигида ариқ-зовурлар тозаланиб, 50 минг туп турли мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

Наврўз — саховат, меҳр-мурувват байрами. Бинобарин, бу пайтда яқин-ёқин қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинадилар, байрам совғалари улашади. Шу боис ҳам тумандаги кам таъминланган оилаларга, ўзгалар парвартиришга муҳтож кексалар ҳамда кўнгли ўксик етимларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Наврўз — саховат, меҳр-мурувват байрами. Бинобарин, бу пайтда яқин-ёқин қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинадилар, байрам совғалари улашади. Шу боис ҳам тумандаги кам таъминланган оилаларга, ўзгалар парвартиришга муҳтож кексалар ҳамда кўнгли ўксик етимларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

— Бу ерда байрам тадбирлари аллақачон бошлаб юборилди, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати **Рустам ДАВЛАТ,** «Ишонч» мухбири.

## Шарҳловчи минбари

АҚШ президенти Жорж Буш Садам Хусайндан 48 соат ичида Ироқни тарк этишни талаб қилди. Оқ уй раҳбари АҚШ мустақил давлат сифатида ўз хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалигини таъкидлаб экан, Садам Хусайн ва унинг ўғиллари Ироқни тарк этиши учун икки кун етарли эканини айтди.

Бешафқат ҳукмдорлик яқин кунларда барҳам топади, чунки Ироқни зуравонлик тузумидан озод қилиш кунини яқин қолди, деди Жорж Буш ўз мамлакатига аҳлига телемуножаатиди. Дунёнинг ийрик телекомпаниялари намойиш этган ушбу мурожаатда, Жорж Буш хорийки фуқаролар, жумладан, БМТ нокирлари ва журналистларни Ироқдан имкон қадар тезроқ қиқиб кетишига чакирди.

АҚШ президенти Ироқни қуролсизлантириш борасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг фаолиятига тўхталар экан, ташкилот ўз қарорларини ҳаётга жорий қила олганини, яъни Ироқни қуролсизлантиришнинг улдасидан чиқолмаганини айтиб ўтди.

## ИРОҚДА ЧИҚАЁТГАН ТАҲДИД

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йиллар давомида АҚШ ва унинг иттифоқчилари БМТ Хавфсизлик кенгашида Ироқнинг оммавий қирғин қуролларидан воз кечишни талаб қилиб келди. 1441-резолюция айтирли иш бермагач, халқаро ҳамжамиятнинг адаллати талаби бажарилиши учун кучли халқаро коалиция шаклланди.

Ун йилдан ошдики, халқаро ҳамжамият учун Ироқ муаммоси долзарблигича қолмоқда. Шу ўринда, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг Ироққа қарши ҳарбий чора қўришга сабаблари етарли эканлигини айтиб ўтиш лозим. Бу сабабларнинг тагида етиш учун эса яқин ўн йиллик тарихга назар ташлаш киёф.

Хўш, Ироқда оммавий қирғин қуроллари борми? Албатта, БМТ нокирларидан тўрт ойлик текширувдан кейин ҳам бу савол очик қолмоқда. Лекин айрим маълумотлар ҳам борки, улар Ироқда оммавий қирғин қуроллари йўқ, деган гапни инкор этди. 80-йилларда кетган Ироқ-Эрон урушида Садам Хусайн буйруғи билан Эрон армиясига қарши халқаро ҳамжамият томонидан тақиқланган заҳарли газ ишлатилди. Ушбу урушда Эрон бир миллионча одамнинг йўқоти. Садам Хусайн бундай қуролни ўз халқи бўлимиш - қуролларга қарши ишлатгани ҳақида ҳам рад этиб бўлмайдиган маълумотлар бор. Бу қуроллар ҳозир қаерда? Нега уларнинг йўқ қилиб ташлангани ҳақидаги аниқ маълумотлар кўрсатишмапти?

Садам Хусайннинг ўз халқига қарши юритган қатоган сиёсати ҳеч бир меъёрга тўғри келмайди. Айрим маълумотларга қараганда, Ироқ аҳолисининг 15 фоизи Садам Хусайн юритаётган сиёсатдан беизиб, ватанини тарк этган, Чегарадан ўтиш осон бўлганда, бу кўрсаткич бир неча баробар ортиши турган гап эди.

1991 йили Ироқ ён қўниси Кувайтни босиб олгани халқаро ҳамжамиятнинг сабр-бардосини тутатди. Зуравонликнинг ҳам чегараси бор. Айниқса бир давлатнинг бошқа бир мустақил мамлакатни забт этиши, бойликларини талаш, минг-мигналар фуқароларини асир олиши халқаро ҳуқуқ меъёрига тўғри келмайди? Йўқ, албатта. Бунга беъэтибор қараб туриш мумкин эмасди. Бинобарин, ҳеч бир давлатнинг бошқа бир давлатни нисбатан зуравонлик қилишига ҳаққи йўқ, Садам Хусайн эса шу ҳақиқатни тан олмайди. Оқибатда Форс кўрфазиди уруш келиб чиқди. Ироқ армияси Кувайтдан ҳайдаб чиқарилди.

Дўппи тор келиб қолганда, Садам Хусайн Кувайтнинг нефт қонларини портлатиб юборди. Хозир ҳам у, АҚШ уруш бошлайдиган бўлса, Ироқдаги барча нефт қонларини ёқиб юбориши режалаштиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ироқ нефт захиралари буйича Саудия Арабистонидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Кези келганда шун ҳам айтиб ўтиш жоизки, «қора олтин» ёлғиз Садам Хусайн ёки унинг ақинлариники эмас, балки Ироқ халқининг миллий бойлиғидир.

1991 йилдан ҳозиргача БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан 15 дан зиёд резолюция қабул қилди. Ташвишланарлики жиҳати шундаки, ушбу ҳужжатларнинг бирортаси тулик бажарилмади. Халқаро ҳамжамиятнинг Ироққа нисбатан жорий қилган иқтисодий жаоси ҳам иш бермади. Иқтисодий камал шариатида бўлса-да, Ироқ нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги тиқилч ва барқарорликка таҳдид солаётган мамлакатлигича қолмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ироқ ядровий, кимёвий ва биологик қурол ишлаб чиқариш дастурини ҳуфёна давом эттирайотгани ҳақида бот-бот ёзмоқда. Иқтисодий ҳазонинг жабрини эса Садам Хусайн ёки унинг ақинлари эмас, оддий ироқликлар тортипти. Айрим манбаларда айтилишича, Ироқда оқиқ-оқақ ва дори-дармон етишмаслигидан кунга беш мингга яқин бола ҳаётдан куз юмар экан. Бу йўқотиш миллилатнинг келажига қандай салбий таъсир этишини эса тасаввур қилиш қийин эмас.

**Саидмурод РАХИМОВ,**  
Ушарҳловчиси.

## НОГИРОНЛАР УЧУН РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ

Меҳр-шафқат, саховат инсон қалбини гўлтождир. Қаерда яна шу туйғулар намойиш бўлса, ўша ерда ўқинишга ўрин қолмайди. Яқинбоғ туманидаги Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси жамоаси асосан ногиронлар соғлигини тиклаш, хизмат сифати ҳамда самардорлигини ошириш борасида тинимсиз ишлаймоқда.

Туман аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш буйича ўтказилаётган семинар-кеңашларда ногиронларни реабилитация қилиш буйича тақлиф ва мулоҳазалар билан чиқаришмоқда. Қарши шаҳрида реабилитация марказининг ташкил этилиши ногиронлар саломатлигини тиклашда асосий восита бўлмоқда. Бу ерда ўтган йилда 75 нафар ногирон даволашни келди. Ногиронларни ҳукуматимиз томонидан яратилаётган барча гам-хўрликлардан баҳраманд қилиш мақсадида марказ қошида Республика илмий ишлаб чиқариш корхонаси филиали фаолият кўрсатмоқда.

Туман миқёсида протез-ортопедия буюмларга муҳтож ногиронлар аниқланиб, улар учун буюртмалар берилмоқда. Утган йили шундай ногиронлардан 29 нафар

киши аниқланиб, хусусан 3 нафар киши арава билан таъминланди. Болалиқдан ногиронлардан 13 нафар киши ўрта махсус ўқув орталарида тақсил олмоқда.

Бир қатор корхона, муассаса ва хўжаликлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб ногиронларни жамоат ишларига жалб этмоқдалар. Уларни иш билан таъминлаш устидан доимо назорат қилиб бормоқдамиз. Утган йилда ногиронларни реабилитация қилиш буйича яқин кўрсаткичларга эришилди. Бирлашми ногиронликка чиқиб 2001 йилга нисбатан 36,8 фоизга, қайта ногиронликка чиқиб 23,1 фоизга камайдди.

Шунингдек, ногиронларга гамхўрликни яхшилаш, уларни тўғри реабилитация қилишни амалга ошириш тўғрисида кўп қўллаб ногиронларнинг соғлиги тикланди ва фойдали меҳнатга жалб этилди.

Халқимиз азалдан диванати, меҳр-оқибатли, болажон халқ. Бевао бечора, мискинну ғарибларга меҳр-мурувватли бўлиш қадриятларимиздан биридир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бунён аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратилган. Ногиронларни реабилитация

қилиш давлат дастурида ҳам бу эзгу ниятлар ўз ифодасини топган. Қаровсиз ногиронларга махсус хизмат кўрсатиш шатлари ташкил этилган. Улар белги-ланган 9 хил маҳсулотлар билан таъминланган.

Дунёда кўнгли ўксик, бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўлган болаларга қувонч улашишдан ҳам ортиқроқ савоб бўлмас керак. Негаки, тўрт девор ичида зериқкан, тенгқурларни қатори чиқиллаб ўйнамаётган ногирон болани ҳаётга қорлаш муқаддас ишдир. Шу боис уларнинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида турли хил тадбир, концертлар, танловлар ташкил қилинмоқда.

Ногиронларнинг шифохона, поликлиника, врачлик амбулаториялари орқали даволанишини ташкил этиш, улар ўрта-сида маданий-маиший ишларни амалга оширишда шифокорлардан Марҳамат Кодирова, жарроҳ Абдуғани Хидировларнинг ишлари ҳаммага намуна.

**Сайра ЖАВЛИЕВА,**  
Яқинбоғ туман тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раиси.

## ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН МАЖБУРИЯТ

Навоий вилоят сув қурилиш бошқармасига қарашли Кошимехдаги 4-механизациялашган кўча жамланма бир пайтлар тумандаги етакчи ташкилотлардан бири саналар эди. Бугунги кунга келиб корхонанинг шукрати сўнди. Унда ишловчилар сони ҳам йилдан-йилга қисқариб, 87 кишига тушиб қолди.

Корхона раҳбари Дилмурод Тилоловнинг айтишича, бу ерда ўтган йили 170 миллион сўмлик тўпироқ ишлари бажарилинган. Соф фойда 8 миллион сўмни ташкил этган. Сирт-

дани қараганда, иш яқини кетаётганда, Лекин ишловчиларга иш ҳақи тўлашнинг аҳоли ҳақида сўраганимизда корхона раҳбари бармоқ титлаб қолди. Шу йилнинг 1 феврал ҳолатига сони йилдан-йилга қисқариб боришининг олдини олиш керак бўлади. Корхона касаба уюшма ташкилотининг одамлар манфаатини ҳимоя қилишдаги талабчанлик, ташкилотчилик, та-

шаббускорлик роли мутлақо сезилмайди. Жамоа шартномасида белги-ланган томонларнинг мажбуриятлари қоғоздагина қolib кетмоқда.

Корхона маъмуриятининг ўз вазии-

фасига совуққонлик, ўзибўларчилиги шу даражага бориб етганки, бу ерда бугунги кунда мuddати ўтган дебитор қарзлар 7 миллион 800 минг, кредитор қарзлар эса 32 миллион 267 минг сўмдан ошди. Ички ва ташқи қарзларининг бу зайдла ошиб бо-

риши корхонани эртаним-кеч таназулга олиб келиши муқаррар. Буни ташқаридан келиб биров эмас, айнан жамоа раҳбарияти уйдлашмига тўғри келади. Афсуски, маъмуриятга бунга иштиёқ ҳам, интилиш ҳам ҳозирча сезилмаётгани йўқ. Акс ҳолда айбони қимларгадир тўнаб қўл қовуштириб ўтиришмаган бўларди.

**Ялғош САРИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.

## Дўст ачитиб гапирди




# Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ



*Барча юрtdошларимизни  
эзгулик элҳиси Наврӯзи  
олам билан  
ҳин дилдан қутлайди!*

*Обод маҳалла йилида сизларга соғлиқ-саломатлик,  
аъло кайфият, қутлуғ хонадонингизга бахту саодат тилайди.  
Жондан азиз Ватанимиз — хур Ўзбекистонни гуллаб-яшнашиш  
йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!*



*Саломатлигингизни мустаҳкамлаш, мазмунли  
дам олишингиз учун замонавий қулайликларга  
эга бўлган оромбахш шифо масканларимиз йилнинг  
тўрт фаслида сизларга мунтазир!*

Назм бўстонда

ЭНДИ ТАНИЯПМАН ҲИМ-ҲИМНИ

Бир пайтлар «оғалар» шапкасин кийиб
Ҳоз юрдим, «соз» юрдим алдовга ийиб,
«Дўстлар»ни тўйдирдим ризқимни кийиб,
Очиқ айтолмадим айтар сўзимни,
Энди танияпман ҳим-ҳимни.

Иблисга дуч келдим ҳар бир қадамда,
Замон шундай эди, ҳа, ўша дамда,
Баъзан шод, баъзида яшадим ҳамда,
Урилдим, сурилдим, очдим кўзимни,
Энди танияпман ҳим-ҳимни

Устимдан кулдилар назарга илмай,
Мен-чи, юрвердим ҳеч парво қилмай,
Қалбимдан сир бердим душманга билмай,
Рақиблар кир қилди тоза юзимни,
Энди танияпман ҳим-ҳимни.

Бугун кимга яхши, кимга ёмонман,
Отишга шай турган тигли камонман,
Бир мўъжаз маконда борман, омонман,
Ҳалоллаб егайман нону тузимни,
Энди танияпман ҳим-ҳимни.

Кенг олам жойланур битта кафтимга,
Бермай дош, қуёш ҳам эрир тафтимга,
Эл-юртим тинч бўлсин мудом бахтимга,
Ўқситмай эркалай ўғил-қизимни,
Энди танияпман ҳим-ҳимни.

ТЎРТАК

Созанда, созингни баландроқ янгат,
Садоси қопласин еру осмонни.
Куй, қўшиқ сеҳрини оламга тарат,
Ва унда олқишла ҳар тирик жонни.

Иброҳим ДОНИШ.

Фолклоршунослар КЕЧАСИ

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари бетақдор маданияти мавжуд. Айни пайтга келиб бу анъаналар бир оз ўзининг аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Аждодларимиздан мерос лапарлар, айтишувлар, афсона ва ривоятлар умрбоқийлиги учун мактабларда, коллежларда, институт ва университетларда фолклоршунослик дарслари ташкил этилган.

1-Тошкент педагогика коллежи "Гулруҳчалар" фолклор ансамблининг навбатдаги фолклоршунослик кечасида қизлар ўзларининг "Наврўз нашидаси" номли чиқишларини намойиш қилишди.

Ўзбекиона одоб-ахлоқ, муомила маданияти, миллий урф-одатлар, анъаналар, ҳар бир ҳудудга тегишли миллийликни сақлаб қолиш мақсадида икки йилдан буён шундай тадбирни ўтказиб келямиз, - деди билим юрти мусика кафедраси ўқитувчиси Малика Собирова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Уйламанки, бугунги кун ёшлари бу саъй-ҳаракатларимиз таъсирида ҳақиқий ўзбекиона руҳда камол топади. Келажакда қизларимизга мумтоз мусика ва қўшиқларни ўргатишни, шунингдек дурторчи қизлар дастасини янада ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз.



Чирчиқ шаҳрида таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Тошкент вилояти кўмитаси томонидан сайёр ўқув семинари ташкил этилди. Тадбир қатнашчилари шаҳардаги 7- ва 22-мактаблар ҳамда 8-, 11-, 26-болалар боғчаларида бўлиб, бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятлари билан яқиндан танишдилар. Ўқув семинари сўнггида бўлиб ўтган давра суҳбатига ютуқ ва камчиликлар, илғор иш тажрибалари хусусида фикр алмашилди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

Боболаримизнинг ҳаёт манбаи бўлмиш қувшин эъзолаш, эзултириш кудратига имон келтириш билан боғлиқ қадимий эътиқодий қарашлари асосида Наврўз байрами юзага келган.

Шу кутлуг шодиёнанинг пайдо бўлиши ҳақида халқ орасида турли хил афсона ва ривоятлар юради.

Қадимги Эронда Наврўзнинг урф бўлишини оловнинг кашф этилиши билан боғланади. Жамид кунларнинг бирида Мозандарон ўрмонида товушқон овлал юрганида, иттифоқо, бир сеҳрли илонни кўриб қолиб, ўша заҳотиёқ унга қарата камонидан ўқ отди. Илон бир қоташонинг остидаги қовакка кириб кўздан ғойиб бўлибди.

Жамшиднинг камонидан узилган ўқ эса тошга тегибди-да тошдан учун чиқибди. Учкунларнинг бири тош ёнидаги хас-чўларнинг устига тушиб гуриллаб кетибди. Одамлар шу дамгача олов нималигини билмас эканлар. Шу боис ўтти кўрган ҳамона бу мўъжизадан лол бўлиб, дархол унга сажда қилибдилар.

Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни ўчирмасликка ҳаракат қилишибди. Зеро, Жамшид оловни кашф қилган кунни эса янги кун, яъни Наврўз байрами сифатида шодиёна қиладиган бўлишибди.

Наврўз ҳақидаги қадимги Турк афсоналари эса умумалқ байрамнинг пайдо бўлишини аждодларимизнинг баҳор фасли ва кўламга дала ишларининг бошланишига алоқадор удулларга боғлайди. Турк олими Абдухалик Жой томонидан амаллаштирилган бир афсонада айтилишича, бутун рўйи заминни сув босиб тўфон бўлганда Нух пайгамбар ҳар турли жонли-жонзотдан бир жуфтдан олиб келмасида сузиб юрган экан. Бир кун у ер юзида қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғочни учирди юзорибди. Бир маҳал ҳалиги қалдирғоч тумшугида бир ғиёҳни кўтариб учиб келибди.

Бу шу яқин ерда қуруқлик борлигини, қуш тишлаб келган ғиёҳ эса қўқлам келганини билдирган.

Нух пайгамбар қалдирғоч кўрсатган томонга қараб сузиб борибди-да, сув ўртасидаги заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзот ерга тушиб, тўфон азобидан қутулибди.

Ер юзига Нух пайгамбар қадам қўйган кунни эса одамлар «янги кун» яъни Наврўз деб байрам қилишга одатланишибди.

А. АЛИЕВ, тайёрлади.

Жиззах томонларда

«САНЗАР-ЛАДА» – БОШ ҲОМИЙ

«Санзар-Лада» ҳиссдорлик жамияти вилоят футбол федерациясига бош ҳомийлик қилаётган эди. Эндилда унга вилоятдаги бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳам молиявий жиҳатдан ёрдам бериш ташаббуси билан чиқди. Ҳомийлар томонидан вилоят футбол федерациясига 8,5 миллион сўм маблағ ўтказилди.

КАМҚОНЛИК КАМАЯДИ

Осиё тараққиёт банки вилоятда камқонликнинг олдини олиш мақсадида 1 миллион 250 миң долларлик грант ажратди. Хасталикни камайтириш бўйича дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Банк лойиҳаси асосида дон маҳсулотлари қорхоналарида темир моддаси билан тўйинтирилган ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришилди.

ТЕАТР КУНЛАРИ

Юнус Ражабий номли мусикали драма театри ижодий жамоаси янги янги сахна асарлари яратиш билан бир қаторда байрам тадбирлари, хайрия кечалари, ижодий учрашувлар, кўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда.

Айни кунда жойларда театр кунлари бўлиб ўтмоқда. Шу пайтгача вилоятнинг қатор туманларида театр актёрлари, иштирокида учрашувлар ўтказилиб, сахна асарлари кўйиб берилди, концертлар ташкил этилди.

8 ТА ҚИШЛОҚ ВРАЧАЛИК ПУНКТИ

Зарбдор туманида сўнгги тўрт йилда 8 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 7,5 миллион сўм маблағ ҳисобига қайта таъмирланган ва жиҳозланган ана шундай шифо масканлари аҳолига маълумати тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Табиат мусаффолиги, ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

Ҳазор туманидаги Ойбек номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулруҳ Очилованинг «Экология болалар нигоҳида» деб номланган рисоласида айнан ушбу масала хусусида сўз юритилади. Унда «Умумбашарий муаммо», «Экология ва биз», «Экология – болалар нигоҳида» сарлавҳали мақолада ўрин олган. Рисолага биология фанлари доктори, профессор Л.Езиев сўзбоши ёзган. «Насаф» нашриётида чоп этилган китобчада муаллиф табиатни асраш, экологик муаммони барта-раф этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги алоҳида таъкидланади.

Гулруҳ Очилованинг изланишлари 2002 йилда чоп этилган «Конституция ва экология» номли иккинчи китобининг юзига келишга сабаб бўлди.

Гулруҳ Очилова апрелда ўн бешинчи баҳорини қаршилайди. Ўзига хос истеъдод эгаси атрофдагилар эътиборини тортганда хали ёшгина қизалоқ эди. У биринчи синфни тугатиб, 3-синфда таҳсилни бошлади. Ундаги қобилият б-синфдан 8-синфга кўчиб ўқишга имкон берди. Гулруҳ биринчи шеърини табиатга бағишлади.

Эй, юртим болалари, Табиатни севайлик. Ўзбекистон келажагин, Келинг, бирга асрайлик!

Бу қизалоқнинг Она табиатга муҳаббат рамзи, қалб эҳтироси эди.

Биз ўзимиз яшаб турган заминни, табиатни ҳар доим муҳофаза қилишимиз зарур. Акс ҳолда она табиатга бўлган лоқайдлик барча тирик мавжудотнинг нобуд бўлишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши мумкин, - дейди Гулруҳ Очилова. - Агар биз табиатни севиб,

нидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мамқатимизда энг илгор умумтаълим мактабларида 39 та ихтисослаштирилган банк синфи

Мамқатимизда ихтисодиёт соҳалари ва банк тизимининг самарали ишлатилиши таъминлашда юқори маълумати қадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам Ўзбекистон банклари Ассоциацияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Вазирлар Мақамасининг «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ соҳа мутахассисларини тайёрлашнинг бошланғич босқичини ташкил этиш мақсадида Ассоциация томо-

Гулруҳ

кўпроқ ўқиб-ўрганишга чорлади. У ўзининг мурғак қалбида уйғонган хайратни кўпчилик эътиборига ҳавола эта бошлади. 2001 йилда ўтказилган XI иқтидорли болалар кўрик-танловида «Экология ва инсон саломатлиги» йўналиши бўйича иш-тирок этиб, биринчи даражали диплом, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги ҳамда эко оромгоҳда дам олиш учун белуғ йўлланма билан тақдирланди.

Гулруҳ Очилованинг табиатни асраш, она Ватан ҳақидаги мақолаларини ўқиганимда, ёш қалбдаги туйғулар қанчалик кучли эканлигини сездим, - дейди Гулруҳ туман ҳокими Холбобо Бозоров. - Баъзан катталар ҳам англамайдиган улғу ҳақиқат атрофимиздаги ҳар бир гулу ғиёҳ, дов-дарахт, жониворлар оддийгина эътиборга, меҳрга ташна эканлигини хис қилади.

Яқинда зукко ва доно қиз ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Унга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилди. Хушхабар бир зумда воҳа узра тарқалди.

Гулруҳ мактабимиз фахр-ифтихори эди. Энди эса унинг довуғи мамлакатга ёйилди, - дейди мактаб директори И.Жонимкулов. - У туйғайли бугун мактабимиз нуфузли анжуманларда тилга олинмоқда. Бу биз устозлар учун шарафдир.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратда: Гулруҳ Очилова.



Наврўз таомлари

Азалдан халқимиз фаровонлик, тинчлик меҳмондўстлик рамзи сифатида Баҳор-Наврўз байрами дастурхонига доривор қўқатлардан тайёрланган шифобахш кўк нон, кўк сомса, кўк чучвара, кўк хоним, кўк манти ва ҳар хил суюқ овқатлар ҳамда гўжа оши, ҳалим, сумалак тортган.

Аслида бундай таомларга ҳурмат ва эҳтиромнинг бошқа сабаби ҳам бор. Илк баҳорда силласи қурган, илгидадан мадор кетган, дармонсиз, холсиз бўлиб қолган, ва қонида ҳаёт учун зарур моддалар етишмаган кишиларга баҳор неъматлари ва таомлари жон озиғи бўлиб, куч-қувват, яхши кайфият бағишлаган. Баҳорда оғзига кўк доривор ўтлар теккан сизир, от, эчки ва қўй сутини, қатигини ичиш, қаймоғини, сарик мойини ейиш ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Баҳорда табиатнинг энг сўлим жойларига сайр этиш, анҳор ва дарёлар соҳилида кезиш, қўқатлар териш қони фойдали. Қуйида Наврўз таомларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ГўЖА ОШИ

Гўжа оши жуда тўйимли бўлиб, инсонга куч-қувват бағишлайди жонивор ва сумалақдан кейин туриши таъкидланади. Уни йил боши - Наврўз кунини байрам дастурхонига торттилади. Халқ ўртасида йиғилган эҳсон - барча масаллик; қўй, мол гўштлари, бугдой, арпа, жўҳори, нўхат, ловия, мошлар катта қозонларда пиширилиб, ҳаммага баробар тарқатилади.

СУМАЛАК

Сумалак - баҳорнинг шифобахш, табаррук таоми бўлиб, у қонимизни тозалаш жисмиимизни тетиқлаштириб, куч-қувватимизни оширади. 1936 йилда бугдой ўсимтасини текширган Эмерсон ва

ХАЛИМ

Халимни тайёрлашда бугдой дони, гўшт, ўсимлик мойи ишлатилганлиги сабабли оқилга жуда бой. Оқсил эса инсон организмда «қурилиш материали» вазифасини бажаради. У организмнинг касалликларига курашиш қобилияти-

ни оширади. Халқ табиатида халим таркибидagi экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаш, марказий асаб тизимига ихобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштириши исботланган. Чиндан ҳам қиш машаққатларидан бир амаллаб чиқиб олган сурункали дарди бор беморлар Баҳор, Наврўз неъматларидан, таомларидан баҳраманд бўлишиб, дардларига шифо топганлар. Кесаларнинг «келаси Баҳор - Наврўз кунларига Аллоҳ эсон-омон етказсин», деб дуо қилишларининг хосияти ҳам шундадир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.



ЁШ СПОРТЧИЛАР «ЧИМЁН»ДА БЕЛЛАШДИ

Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси шаҳар бўлими ташаббуси билан Бўстонлик туманидаги «Чимён» дам олиш масканида биринчи бор тоғ чангиси спорти бўйича очик чемпионат ўтказилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағфармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин мисолидир. Тоғ чангиси спорти бўйича Чимён чемпионати иштирокчиларнинг ёшига қараб ўтказилди. Мусобақаларда 1986 йилда тузилган ва ундан катта спортчилар, 1987-89 йилларда тузилган болалар ва 13-14 ёшли ўқувчилар қатнашди. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад - спортни омаллаштириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Турли спорт тадбирларини, тоғ чангиси спорти бўйича мусобақаларни ўтказиш яхши анъанага айланди, - деди Қишчи спорт турлари бўйича Олимпик резервлари республика болалар-ўсмирлар махсус мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Лисов. - Бу хайрли ишга «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кўп болали оилалардан йигит ва қизлар жалб этилган. Мамлакатимизда спортнинг маъруз турини ривожлантириш имкониятлари катта. Бундан ташқари, Чимён каби дам олиш маскани халқондаги спорт-дам олиш масканларидан қилишайди.

Чемпионат ғолибларига Тошкент шаҳар ҳокимлигининг соврин ва совгалари топширилди.

Н.УСМОНОВА, УЗА МУХБИРИ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси жамоаси ҳисобчи Муқаддам Нурмухаммедовга онаси МУАЗЗАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остона, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.50.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 0005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.